

ISSN 2181-8231



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН
ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

№ 2/2019

Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари
2019, № 1 (4).

Муассислар:

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги*

Бош муҳаррир:

Мирзохид Рахимов, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон

Таҳрир ҳайъати:

Равшан Абдуллаев, тарих фанлари доктори, Тошкент, Ўзбекистон
Шерзод Абдуллаев, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон
Баҳром Абдухалимов, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон
Дилором Алимова, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон
Аликбер Аликберов, тарих фанлари номзоди, Москва, Россия
Григорий Глизин (Gregory Gleason), фан доктори, профессор, АҚШ
Максет Карлибаев, тарих фанлари номзоди, Нукус, Ўзбекистон
Абдухалил Маврулов, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон
Равшан Назаров, фалсафа фанлари номзоди, Тошкент, Ўзбекистон
Изабель Охайон (Isabelle Ohayon), фан доктори, Париж, Франция
Санжай Пандей (Sanjay Pandey), фан доктори, профессор, Дехли, Ҳиндистон
Шавкат Раҳматуллаев, тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим, Тошкент, Ўзбекистон
Қахрамон Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент, Ўзбекистон
Анатолий Сагдуллаев, тарих фанлари доктори, академик, Тошкент, Ўзбекистон
Акмал Саидов, юридик фанлар доктори, академик, Тошкент, Ўзбекистон
Анита Сенгупта (Anita Sengupta), фан доктори, Калькутта, Ҳиндистон
Раушан Серик, тарих фанлари номзоди, Алмата, Қозоғистон
Фредерик Старр (Frederick Starr), фан доктори, профессор, Вашингтон, АҚШ
Дмитрий Тростянский, иқтисод фанлари доктори, Тошкент, Ўзбекистон
Хуршида Юнусова, тарих фанлари доктори, Тошкент, Ўзбекистон
Акбар Ҳакимов, санъатшунослик фанлари доктори, академик, Тошкент, Ўзбекистон

Муҳаррирлар:

Ойбек Абдимўминов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон
Севара Пулатова, тарих фанлари номзоди, доцент, Тошкент, Ўзбекистон

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70 уй.

Телефонлар: 233-37-01; 233-37-11. E-mail: uzconhistory@academy.uz

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0848.

Муассислар ва таҳририят рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.
Таҳрир ҳайъати фикри муаллифларникидан фарқли бўлиши мумкин.
Қўлёзмалар, суратлар қайтарилмайди.
Ҳажми: 7,5 босма табоқ. Қоғоз бичими: 60x84x1/8. Адади 200 нусха.
Ўзбекистон Фанлар академияси кичик босмахонасида нашр этилди:
Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70 уй.

ISSN 2181-8231

© Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўй
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, 2019.

**МУНДАРИЖА
СОДЕРЖАНИЕ
CONTENT**

Бош муҳаррир сўзи..... 4

МАҚОЛАЛАР – СТАТЬИ – ARTICLES

Ш. Эргашев. Қайта қуриш: ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий зарурият ... 8

Қ. Ражабов. Ўзбекистондаги янги сиёсий мафкуравий вазиятнинг шаклланишига қайта қуриш сиёсатининг таъсири 19

Ш. Рахматуллаев. 1980-йиллар охири ва 1990-йиллар бошларида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш муаммолари 40

В. Парамонов. К истории формирования отношений России и Узбекистана в военных сегментах сферы безопасности..... 60

Н. Расулова. 1988–1991 йилларда Ўзбекистонда сиёсий партиялар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари 71

О. Абдимўминов, Ю. Кушанова, Ш. Тоштуров. Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларининг йўлга қўйилиши ва ривожланиши 85

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

Ш. Салимов. Мустақилликнинг илк йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари: муаммолар ва ечимлар 99

Х. Рахмонов. 1980–1990 йилларда Ўзбекистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришларнинг маҳалла институти фаолиятига таъсири 114

ИЛМИЙ ҲАЁТ – НАУЧНАЯ ЖИЗНЬ – SCIENTIFIC LIFE

Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: янги тадқиқотлар 128

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ойбек Абдимўминов,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари

бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

Юлдуз Кушанова,

ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари

бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти

Шухрат Тошгулов,

Навоий ДПИ ўқитувчиси

Аннотация: Важно изучить и проанализировать политические, экономические и культурные связи Республики Узбекистан в многостороннем сотрудничестве с крупнейшими международными и региональными организациями мира. В частности, большое значение имеет освещение истории взаимоотношений Узбекистана с Организацией Объединенных Наций через научные источники, архивные документы и статистические данные. Потому что участие Узбекистана в качестве равноправного члена этой международной организации в первые годы независимости имело большое значение для признания страны международным сообществом. В связи с этим в статье использованы методы историографии, системного анализа, научного подхода.

В статье анализируются исторические условия в первые годы независимости, вступления Узбекистана в ООН на основе приоритетов взаимного сотрудничества, в частности, вопросов мира, безопасности и устойчивого развития Центральной Азии, установления безъядерной зоны в регионе, а также решение экологических проблем на основе документов местных и международных научных источников и архивов.

Цель исследования – показать в историческом контексте первые годы независимости и налаживание многосторонних отношений Узбекистана с ООН.

В результате проведенного исследования была проанализирована работа, проводимая Узбекистаном по вопросам взаимного политического, экономического и устойчивого развития в Центральной Азии с ООН, и выдвинуты некоторые рекомендации по существующим проблемам.

Abstract: It is important to study and analyses the political, economic and cultural ties of the Republic of Uzbekistan in multilateral cooperation with major

international and regional organizations of the world. In particular, coverage of the history of relations between Uzbekistan and the international organization of the world — the United Nations through scientific sources, archival documents and statistical data is of great importance. Because the participation of Uzbekistan as an equal member of this international organization in the early years of independence was of great importance for the recognition of the country by the international community. In this regard, the article uses the methods of historiography, system analysis, and scientific approach. The article analyses the historical conditions in the early years of independence, the entry of Uzbekistan into the UN based on the priorities of mutual cooperation, in particular, issues of peace, security and sustainable development of Central Asia, the establishment of a nuclear-free zone in the region, as well as the solution of environmental problems based on documents of local and international scientific sources and archives. The purpose of the study is to show in a historical context the first years of independence and the establishment of multilateral relations between Uzbekistan and the UN. As a result of the study, the work carried out by Uzbekistan on the issues of mutual political, economic and sustainable development in Central Asia with the UN was analyzed, and some recommendations on existing problems were put forward.

Кириш

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш сиёсатини олиб борди. Бу сиёсат моҳиятан ўзаро ҳурмат ва миллий манфаатдорликка асослангандир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборининг, нуфузининг ортиб боришининг бир қанча тарихий, ижтимоий омиллари, манбалари ва асослари мавжуд. Улар миллий мустақиллик, геосиёсий жойлашиш, эркин иқтисодий имкониятлар, янги технология ва барқарор инвестициянинг миллий иқтисодиётга жалб қилиниши, туризм индустрияси, халқаро савдо муносабатлари, тарихий-маънавий факторлар кабиларда намоён бўлади.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, илмий-маданий муассасаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида уларнинг фаолиятида иштирок этмоқда. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларга (<https://mfa.uz/uz/cooperation/>) аъзо бўлиб, улар билан турли йўналишларда кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини олиб бормоқда. Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий йўналишлардаги ҳамда халқаро, минтақавий, суб-минтақавий, ноҳукумат каби турли халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши мамлакат ташқи сиёсатининг ўта муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан жой олди.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиш тарихий шарт-шароитлари

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлик алоқалари, кўп томонлама муносабатлари фақатгина мустақиллик йилларида халқаро аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши бу - мустақиллик даври тарихининг муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масаласидир. Чунки, Ўзбекистон айнан мустақиллик йилларидаёқ БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бу ташкилот фаолиятида фаол иштирок эта бошлади.

1992 йил 29 январда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяга мустақил Ўзбекистонни БМТга аъзоликка тавсия қилди. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТга аъзо бўлган 179-давлат (Basic Facts about the United Nations. 2011: 278.) бўлиб қабул қилинди. Ўзбекистонни БМТга қабул қилиш тўғрисидаги қарор БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида яқдиллик билан маъқуллаш асосида, овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди (Халқ сўзи. 1992). Бу мустақил Ўзбекистон учун ўта муҳим тарихий воқеа эди. Ўша вақтдаги Хавфсизлик Кенгаши раиси Дэвид Хенней Ўзбекистоннинг БМТга аъзолиги ва ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида тўхталиб, “Ўзбекистон БМТ фаолиятига ўзининг катта ҳиссасини кўшади. Биз Ўзбекистон вакиллари ва ҳамкасбларимиз сафида кўришни истаймиз ва БМТнинг кўп қиррали фаолиятида биргаликда ишлаймиз” (Ҳакимов Р. 2001: 32), деб таъкидлади.

Бу тарихий воқеа, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этди, чунки унинг сафига янги мустақил давлат қўшилди. Бу давлат ўз олдида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ва Марказий Осиёда муҳим минтақавий сиёсий аҳамият касб этувчи демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйган эди (Рахимов М. 2000: 186). Шу боис, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати мазкур воқеа муносабати билан “Бизнинг авлодлар 1992 йил 2 март баҳор кунини тарихий кун деб атайдилар. Ўзбекистон БМТга аъзо қилинди ва БМТ биноси олдида ёш мустақил республиканинг байроғи кўтарилди” (Халқ сўзи. 1992), деб баёнот берди. Ҳамкорлик фаолияти давомида эса Ўзбекистон БМТга минтақавий муаммолар билан бирга глобал муаммоларни ҳам кўтариб чиқди. Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши мамлакатда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Шу муносабат билан 1992 йил 6 апрел куни “Жаҳон Миллатлар Ҳамжамиятига¹ аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида”ги (http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=166913&twolang=true) Фармони ҳам эълон қилинди.

¹ Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти назарда тутилган.

Мамлакатнинг БМТга аъзо бўлиши нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам қизгин нишонланди. 1992 йил 2 март куни Нью Йоркдаги БМТ штаб-квартираси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилганда ушбу байроқни кўриш учун АҚШдаги ўнлаб шаҳар ва штатлардан минг-минглаб ўзбеклар (туркистонликлар) Нью Йоркка келадилар. БМТ биноси олдида Ўзбекистон байроғига таъзим бажо келтириш учун эркаклар ўзбек миллий кийимларида яъни чопон ва дўппиларда, аёллар атлас кўйлақларда марказий кўчаларда манифестация ва митинглар қилиб боришган (Ҳайитов Ш. 2011:72-73).

Шундан сўнг 1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади (ЎзРМДА Фонд-М-37, рўйхат-1, Йиғма жилд-55, варақалар-17-18). Мазкур ваколатхона Ўзбекистондаги БМТ тизимининг ихтисослашган муассасалари ва дастурлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва мамлакатдаги ислохотларга кўмаклашади. Ўзбекистонда ташкилотнинг доимий ваколатхонаси ташкил топган 1993 йилдан ҳозирга қадар қуйидаги кишилар БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили сифатида фаолият олиб борганлар:

1. Холид Малик – 1993-1997 йй.
2. Ричард Конрой – 1998-2004 йй.
3. Фикрет Акчура – 2004-2008 йй.
4. Анита Нироди – 2008-2013 йй.
5. Стефан Приснер – 2013-2017 йй.
6. Хелена Фрейзер – 2017 йил августдан буён.

Шунингдек, Ўзбекистонда БМТнинг бир қанча тузилмалари ихтисослашган муассасалари, дастурлари, агентликлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон БМТ билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда кўплаб маҳаллий доирадаги лойиҳаларни ҳам амалга оширди. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорликдаги амалга оширган лойиҳаларини глобал, минтақавий ва маҳаллий даражадаги лойиҳалар сифатида баҳолаш мумкин (Рахимов М. 2016: 135.).

Ўзбекистоннинг БМТ доирасида илгари сурган ташкилотни ислох қилиш, терроризм, наркобизнес, диний экстремизм, дунёда ялпи тинчликни қарор топтириш каби ташаббусларини глобал тадбирлар сифатида эътиборга молик бўлса, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик борасидаги ташаббуслари минтақавий ташаббуслардир. Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, иқтисодий, маданий каби соҳаларда республика миқёсида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадбирларни эса маҳаллий лойиҳалар сифатида баҳолаш мумкин. БМТ охириги 22 йил ичида Ўзбекистонга иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, бошқарув, таълим

соҳаларидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 434 млн доллар миқдорида техник ёрдам кўрсатди (<http://uzdaily.uz/articles-id-26059.htm>).

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро кўптомонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бу – хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролиларини тарқатмаслик, Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, минтақавий хавфсизлик ва минтақани ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналар, тарихий шахслар ва меъморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашарий обидалар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича барча 13 конвенцияларини ратификация қилиб, жаҳон ҳамжамиятининг ушбу хавфга қарши кураши борасидаги ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан кўплаб амалий ташаббусларни илгари сурди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабати халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш эмас, балки ташкилот фаолиятида тўла асосда иштирок этиб, халқаро ҳамжамият билан тенг ҳамкорликдан иборатдир.

Ўзбекистон БМТнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда бошқа йирик муаммоларни ҳал этиш борасидаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон БМТ минбаридан туриб дунёда ялпи хавфсизлик ва барақарорликни таъминлашга халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишга оид бир қатор ташаббусларни илгари сурганлигини таъкидлаш жоиз.

БМТ Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатлардан барқарор ривожланиб бораётган, жаҳон сиёсатида ўз ўрни ва нуфузига эга мамлакат сифатида қараб, бу мамлакат билан кўптомонлама ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Шу боисдан ҳам БМТ Бош қотиблари бир неча бор Ўзбекистонда бўлиб ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Масалан, 2002 йил 18 октябрда БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, 2010 йил 4 апрелда (Newsletter of UN in Uzbekistan. 2010: 3) ва 2015 йил 11 июнда Пан Ги Мун (Информационный бюллетень Программы развития ООН в Узбекистане. 2015:2), 2017 йил 10 июнда Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бу – инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масаласидир. Шу маънода, Ўз-

бекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномаларни ратификация қилган. БМТнинг 6 та асосий шартномаси ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенция кабилар шулар жумласидандир. 1991 йилдан 2017 йилга қадар Ўзбекистон томонидан БМТнинг шартномавий кўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 га яқин Миллий маъруза тақдим этилди ва улар ижобий баҳоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” (Universal Declaration of Human Rights)¹га Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги 366-ХII Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991: 275-модда) билан кўшилган ва миллий қонунчилик БМТнинг халқаро нормалари асосида ишлаб чиқилган (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. 2010: 368).

Ўзбекистон БМТнинг ихтисослашган муассасалари билан кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ўзбекистонда БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, ЖССТ, ЮНДОК, ЮНАИДС, БМТнинг Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, ЮНИДО, БМТ Кўнгиллилар дастури, БМТ Жаҳон Банки каби ихтисослашган муассаса, дастур ва агентликлари фаолият олиб боради (Anita Nirody. 2009: 2). Ўз навбатида Ўзбекистоннинг ҳам Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳи ва Женева шаҳридаги БМТ бўлимида доимий ваколатхоналари фаолият юритади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Марказий Осиёда барқарорлик масалалари юзасидан ўзаро муносабатлар

Ўзбекистон ва БМТ минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарор тараққиёт, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларида кенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган.

Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, минтақавий муаммоларни БМТ доирасида тинч йўл билан ҳал этиш бўйича дастлаб Ўзбекис-

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси – (Universal Declaration of Human Rights. United Nations General Assembly in Paris on 10 December 1948. General Assembly Resolution 217 A). Ушбу универсал ҳужжат преамбула ва 30 моддадан иборат. Ҳужжат ливиялик Чарлз Малик, СССРдан Александр Богомлов, хитойлик Пен-чун Чанг, франциялик Рене Сассин, АҚШлик Эленор Рузвельт, Буюк Британиялик Чарлз Дукес, австралиялик Уилям Ходгсон, чилилик Хернан Санта Круз, қадандалик Жон П.Хампрейлар томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳондаги 350 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

тон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташкилотнинг 1993 йил 48-, 1995 йил 50-сессияларида бир қатор аниқ йўналтирилган таклифлар ва ташаббусларни илгари сурди.

XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасидаги “оловли муаммолар” дан бири бу – Тожикистондаги фуқаролар уруши эди. Ўзбекистон Тожикистон масаласига жиддий эътибор қаратиб, можарони ва вазиятни синчиклаб ўрганиш ҳамда уни БМТ доирасида бартараф этилиши учун ташкилотнинг ўша вақтдаги Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий эътиборини 1993 йилгача икки мартаба жалб этди. Шундан сўнг Ўзбекистон 1993 йил сентябр ойида БМТнинг 48-сессиясида халқаро ҳамжамият эътиборини Тожикистон масаласига қаратди. 1993 йил март ойида Ўзбекистон ҳукумати Бош котиб Бутрос Бутрос Ғолийга юборган иккинчи мактубида тожик қочоқларини ватанига қайтаришга БМТнинг ёрдами зарурлиги масаласини қўйди (Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. 1993: 6). Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-овқат, энг зарур моллар етказиб беришда, БМТнинг Қочоқлар масаласи бўйича Олий Комиссари билан ҳамкорликда тожикистонлик қочоқларнинг қайтишига бевосита ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистоннинг бевосита саъй-ҳаракатлари сабабли 1994 йилда БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилар миссияси таъсис этилди.

Ўзбекистоннинг Тожикистон масаласидаги БМТ билан ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари натижасида 1995 йил сентябрда БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича махсус семинар ва кенгаш ташкил этилди. Унда энг муҳим ва устувор масалалардан бири сифатида Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бу-Афғонистон муаммосидир. Афғонистон муаммоси минтақа халқларининг XX аср сўнгги ва XXI аср бошидаги улкан йўқотиши ва оловли нуқтаси бўлиб қолди. Афғонистондаги уруш нафақат Марказий Осиё минтақасига, балки халқаро хавфсизликка, дунё тинчлигига жиддий хавф туғдирадиган йирик муаммодир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илк мартаба мустақил Ўзбекистон номидан нутқ сўзлаб, Афғонистон муаммосининг долзарблигига жаҳон эътиборини қаратди. Шундан сўнг орадан икки йил ўтгач, 1995 йил 24 октябрда Ўзбекистон ташкилот Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғон можароси бўйича ўз фикрларини билдирди ва бир қатор аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Улар:

биринчидан, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш;

Иккинчидан, БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томонидан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни таъқиқлаб қўйиш (Президент Ислом Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун. 2002: 160) каби таклифлардир.

Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бу нафақат мазкур мамлакатнинг, балки бутун минтақанинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти янада ривожланиб боришини таъминлайди. Чунки, Афғонистон географик нутқай назардан ва геостратегик жиҳатдан ўзи ва қўшни давлатларнинг халқаро бозорларга ва денгиз портларига чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон БМТ доирасида Афғон можаросини ҳал қилишнинг бош тарафдори. Шу боисдан ҳам бу борада БМТ минбаридан туриб мазкур масалага такрор ва такрор жаҳон эътиборини қаратди. Жумладан, Ўзбекистон 1997 йилда Афғонистон билан чегарадош олти мамлакат, шунингдек, Россия ва АҚШ иштирокида мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур гуруҳ “6+2 гуруҳи” номини олди ва Россия, АҚШ билан биргаликда Афғонистон билан чегарадош олти-Хитой, Покистон, Эрон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатидан иборат бўлди. 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда Афғонистон масаласи бўйича “6+2” гуруҳига аъзо давлатлар доимий вакилларининг дастлабки ташкилий йиғилиши, 1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкент учрашуви ташкил этилди. “6+2” мулоқот гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари натижасида “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида” Тошкент Декларацияси (Tashkent Declaration... 1999: 5) қабул қилинди. Ўзбекистоннинг таклифлари ва ташаббуслари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди.

Афғон муаммосини фақат сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш мумкин. Бироқ Афғонистоннинг ўзида ҳам ва унинг ташқарисида ҳам бу муаммодан манфаатдор кучлар масалани тинч, сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга турли йўллар билан қарши чиқмоқда. Ўзбекистон Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан НАТО, АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ тинчлик ўрнатиш кучларини мамлакатдан тўлиқ олиб чиқиб кетилишига қарши фикр билдирди. Чунки бу мамлакатдаги тинчликни ва вазиятни тўлиқ ижобий томонга ҳал этмасдан АЙСЕФнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасида янги хавф-хатарлар вужудга келишига имкон яратади. Шунингдек, 2017 йил 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили институти (Постановление Президента Республики Узбекистан.

2017.) жорий этилди. 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон ҳукумати БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши ҳамда музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим” (Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь) эканлигини таъкидлади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ташаббусларида прагматизм, масаланинг амалий ечими ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг бу давлатга нисбатан сиёсати эса Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қайта тиклаш, алоқлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, афғон халқининг танлаган ҳукуматини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро дўстлик алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Демак, Ўзбекистон Республикасининг афғон можаросини ҳал этиш юзасидан БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги бу Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва тинчликни таъминлашга қаратилган энг муҳим устувор йўналишларни қамраб олади.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббуси

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши бу – Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласидир.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш ғояси илк бор Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини минтақадаги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ҳам қўллаб-қувватлади. Бу борадаги дастлабки амалий қадамлардан бири Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг 1997 йил 28 сентябрда Алматы шаҳрида имзоланган қўшма баёноти ва “Алматы Декларация”сида намоён бўлди.

Алматы Декларацияси 1997 йил 14 мартда БМТ Бош қотибига тақдим этилди ҳамда ташкилот Бош Ассамблеясининг А52/122-рақамли расмий ҳужжати (<http://www.un.org/documents/ga/docs/52/plenary/a52-112.htm>) сифатида эълон қилинди ва тарқатилди. Ушбу Декларация Марказий Осиё бешта давлатининг минтақани ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш масаласи бўйича сиёсий бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида баҳоланди (Комилжонов А. 2007: 46). Шундан сўнг,

1997 йил 14-16 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарлари ва халқаро экспертлар иштирокидаги “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди (Filippo Costa-Buranelli. 2014: 137). Ушбу конференциянинг амалий якуни сифатида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан “Ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақида Баёноти” қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг халқаро эътирофи сифатида 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисида” 52/38-сонли резолюциясини (United Nations General Assembly Resolution. 1997: December 9.) қабул қилди. Мазкур конференция ишини халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билан кузатиб борди ҳамда минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини ва бу борадаги амалий қадамларни қўпгина давлатлар расмий нашрлари ёритиб борди (Касымов А., Неклесса Г. 1999: 55-57). Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ниҳоятда долзарб ва аҳамиятли, жаҳон ҳамда минтақа хавфсизлигини кафолатлайдиган барқарорлик ва тинчликни мустақамловчи омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу жараён узоқ вақт давом этди. Ушбу масалалар юзасидан 1997-2002 йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари ва БМТ, 16 та халқаро ташкилотлар ҳамда БМТнинг Халқаро Атом агентлиги МАГАТЭ иштирокида минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартномани тузишга доир қатор амалий учрашувлар ташкил этилди. Жумладан, 1998 йил июль ойида Бишкекда, 1998 йил 7-9 октябрда Женевада (Касымов А., Неклесса Г. 1999: 45-79), 1999 йил 13 февралда Тошкентда, 1999 йил 27-30 апрел кунлари Женевада, 1999 йил 5-8 октябрда Саппорода, 2000 йил 2-5 апрелда яна Саппорода ва 2002 йил 25-27 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида турли амалий учрашувлар ташкил этилди (Ибрагимов Б. 2014: 133).

Мазкур учрашувларда иштирокчиларнинг бу масала бўйича ҳамфикрлиги билан бир қаторда айрим қарама-қарши фикрлар ва мунозарали вазиятлар ҳам юзага келди. Масала юзасидан мунозалар 2002 йилдан 2005 йилгача давом этди ва 2005 йил 7-9 феврал кунлари Тошкент шаҳрида БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича экспертлар гуруҳининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда БМТнинг етакчи экспертлари иштирок этдилар. Тошкент учрашувининг энг катта ютуғи барча манфаатдор томонлар мазкур масала бўйича умумий бир фикрга келдилар. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш жараёнида бу қуролга эга давлатлар – АҚШ, Россия, Франция, Хитой, Буюк Британия экспертлари билан фикр алмашилди. Шундан сўнг 2006 йил 8 сентябр-

да Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлатларнинг ташқи сиёсати идоралари вакиллари томонидан “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида” ги (Договор о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии. 2006) шартнома имзоланди ва у халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди. Ушбу шартнома 2006 йилнинг 6 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 61-63-сессияларида “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд” махсус резолюцияси (United Nations General Assembly Resolution. A/61/PV.67, 6 December 2006.) орқали 141 овоз билан қабул қилинди. 2009 йилнинг 21 мартдан бошлаб эса ушбу шартнома тўлиқ кучга кирди (Williamc Potter, Togzhan Kassenova, Anya Loukianova. <http://cns.miss.edu/stories/081201/canwfz.htm>) ва Марказий Осиё расман ядро қуролидан холи ҳудуд мақомига эга бўлди.

Минтақавий экологик масалалар

Марказий Осиёдаги нафақат минтақавий, балки глобал муаммолардан бири бу – Орол муаммосидир. Бу муаммонинг умумбашарий характерда эканлигини, уни бартараф этиш жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозимлигини иноботга олиб Ўзбекистон 1993 йил сентябрда БМТнинг 48-сессиясида жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга ва биргаликда курашишга даъват қилди.

Ўзбекистон Орол фалокатининг ҳақиқатдан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, БМТнинг Орол бўйича махсус комиссиясини ташкил этишни таклиф қилди. 1993 йил Қизилўрдада “Оролни қутқариш халқаро жамғармаси” ташкил этилди. Шундан сўнг, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг БМТ, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида 1994 йил январда Нукусда, 1994 йил март ойида Тошҳозувда, 1995 йил 20 сентябрда яна Нукусда, 1997 йил февралда Алмати шаҳрида учрашувлари ташкил этилди.

БМТ мувофиқлаштируви доирасида 1995-2005 йилларда Орол денгизи минтақасига 825 млн. АҚШ долларидан ортиқ умумий донорлик ёрдами кўрсатилди. Мазкур донорлик ёрдамларида БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, агентликлари билан бир қаторда 14 та халқаро ташкилотлар иштирок этдилар. Орол муаммоси глобал, кенг қўламли, бутун сайёрага дахлдор муаммолардан биридир. Шу боисдан ҳам минтақа давлатлари ва БМТнинг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамияга эгадир. Шунга асосан, Ўзбекистон ташаббуси билан мунтазам равишда Орол муаммоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан қатор илмий ва амалий анжуманлар ташкил этилди. Марказий Осиёда эколо-

гик муаммолар, жумладан Орол муаммоси оқибатларини энгиллаштириш ва муаммони бартараф этиш, Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ҳудуддаги ноёб флора ва фауна-ни, табиий хилма-хилликни асраб қолиш, каби масалалар Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорликнинг муҳим ва устувор жиҳатлари сифатида намоён бўлмоқда. Бироқ унинг асорати узоқ вақт сақланиб қолиб, атроф-муҳит ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу борада амалий тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлди. Кейинги йилларда эса Орол фожеаси оқибатларни бартараф этиш ва ҳудудда соғлом экологик муҳит барпо этиш йўналишида халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилишига эътибор қаратилди. Жумладан, бу Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги муҳим йўналишлардан бири бўлди.

Хулоса

Ўзбекистоннинг мустақилликнинг илк йилларида халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан муносабатларининг йўлга қўйилиши ва ривожланиб бориши мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим ютуғи бўлди. Бироқ, 1991-1995 йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўзаро ҳамкорлиги аста-секин ривожланиб борди. Чунки, мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини йўлга қўйиш осон бўлмади албатта. Шунингдек, ташқи сиёсат борасида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси долзарб масалалар қаторида эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон БМТ билан муносабатларини йўлга қўйган илк йиллардаёқ ушбу ташкилот минбаридан туриб, ўзининг мустақил позицияларини жаҳон ҳамжамиятига маълум қилди. Бу янги суверен давлатнинг мустақкам ташқи сиёсати борасидаги дастлабки далил ҳаракатлари эди. Шундан сўнг ўз навбатида, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар Ўзбекистонга қизиқиш билан қарай бошлади. Ўзаро ҳамкорлик йиллар давомида динамик равишда ривожланиб борди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиёт муаммолари юзасидан ўзаро муносабатлари долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон афғон муаммоси, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш, экологик таҳдидлар каби муаммоларга БМТ минбаридан туриб халқаро ҳамжамият эътиборини қаратди, уларни бартараф этиш учун биргаликда ҳамкорликка даъват этди. Ўзбекистоннинг таклиф ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди. Таъкидлаш керакки, айрим вақт-

ларда Ўзбекистон ва БМТ муносабатларида ўзаро тушунмовчиликлар ва муаммолар ҳам юзага келган. Бироқ улар ўзаро муносабатларнинг ривожланишига жиддий таъсир ўтказмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Anita Nirody (2009). The UN has long-standing partnership with Uzbekistan. //UN in Uzbekistan. –Tashkent: Published by the UN office in Uzbekistan. April.
2. Basic Facts about the United Nations (2011). United Nations Department of Public Information. – New York.
3. Filippo Costa-Buranelli (2014). May we have a say? Central Asian states in the UN General Assembly // Journal of Eurasian Studies.
http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=166913&twolang=true (22.12.2016)
<http://uzdaily.uz/articles-id-26059.htm> (03.09.2015)
<http://www.un.org/documents/ga/docs/52/plenary/a52-112.htm> (26.04.2016)
<https://mfa.uz/uz/cooperation/> (21.10.2017)
4. Tashkent Declaration on Fundamental Principles for a Peaceful Settlement of the Conflict in Afghanistan (1999). A/54/174 S/1999/812.
5. UN Secretary-General visits Uzbekistan (2010) Newsletter of UN in Uzbekistan. – Tashkent: January-April.
6. United Nations General Assembly 52nd session`s Resolution 52/38, Establishment of a nuclear weapon-free zone in Central Asia (1997).
United Nations General Assembly Session 61 Verbotim Report 67. A/61/PV.67 page 29. 6 December (2006).
Williamc Potter, Togzhan Kassenova, Anya Loukianova (2014). Central Asia becomes a nuclear-weapon-free-zone. // <http://cns.miss.edu/stories/081201/canw-fz.htm> (14/05/2014)
7. Глава ООН посетил Узбекистан (2015). //Информационный бюллетень Программы развития ООН в Узбекистане. – Ташкент: ПРООН.
Договор о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии (2006) Семипалатинск, Казахстан. // <http://www.pircenter.org/media/content/files/9/13522833820.pdf> (25.06.2017)
8. Ибрагимов Б (2014). Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд барпо этиш бўйича ташаббуси // Sharqshunoslik.
9. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими (2010). Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Ўзбекистон.
10. Касымов А., Неклесса Г (1999). Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

11. Комилжонов А (2007). Ўзбекистон ташқи сиёсатида ядровий хавфсизлик масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент.
12. Постановление Президента Республики Узбекистан “Об организации деятельности Специального представителя Президента Республики Узбекистан по Афганистану”. №ПП-3036. 6 июня 2017 года.
13. Президент Ислом Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун (2002). – Тошкент: Ислом университети.
14. Рахимов М (2016). Современная история взаимоотношений Узбекистана и Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент: Адабиёт учунлари.
15. Рахимов М (2000). Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Даврий тўплам. № 3. – Тошкент: Шарқ.
16. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида (1993). Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. – Тошкент: Ўзбекистон.
17. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил №11, 275-модда.
19. ЎзР МДА М-37-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, 17-18-варақлар.
20. Халқ сўзи. 1992 йил, 4 март.
21. Ҳайитов Ш., Аҳмадов Ш (2011). Ўзбекистон миллий байроғи – ғурур ва мустақиллик тимсоли //Ўзбекистон мустақиллиги: маънавият, жамият, шахс. – Навоий.
22. Ҳақимов Р (2001). Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.